ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВ ҚОБИЛЖОН СОЛИЖОНОВИЧ

ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИК ТИПДАГИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ИНТЕГРАЛ ШАРТЛИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

УДК: 517.95

Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико – математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Physical – Mathematical Sciences

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВ ҚОБИЛЖОН СОЛИЖОНОВИЧ

ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИК ТИПДАГИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ИНТЕГРАЛ ШАРТЛИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Физика - математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B 2021.2.PhD/FM602 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Уринов Ахмаджон Кушакович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хасанов Анварджан** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Юлдашев Турсун Камалдинович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «1» 12 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.:(+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (206 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19- уй. Тел.:(+99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2022 «19» 11 куни тарқатилди.

(2022 йил «19» 11 даги ______ рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Саматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., доцент

И.У.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.Т.Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий жараёнларни математик моделлаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар математиклар, жумладан, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси тадқиқотчилари учун катта вазифаларни қўймоқда. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда бу назария нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам жадал ривожланмоқда. Бунда, аралаш типдаги параболо-гиперболик дифференциал тенгламалар ғовакли муҳитда иссиқлик ва масса алмашинуви, электромагнит майдоннинг бир жинсли бўлмаган муҳитда тарқалиши, иссиқлик майдонининг ҳосил бўлиши, ёпишқоқ-эластик ва ёпишқоқ суюқликларнинг ҳаракати каби масалаларнинг математик модели сифатида қабул қилинмоқда. Шунинг учун параболо-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалаларни баён қилиш ва уларни ечиш хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сўнгги йилларда тадқиқотчилар дифференциал тенгламалар учун янги масалаларни, жумладан, нолокал шартли масалаларни баён қилиш ва тадқиқ этиш билан фаол шуғулланмоқдалар. Бунда интеграл шартли масалаларни қўйиш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунга қадар интеграл шартли масалаларни баён қилиш ва тадқиқ этиш усуллари ҳамда уларнинг амалий аҳамиятига бағишланган бир қанча илмий мақолалар чоп этилган. Уларнинг кўпчилигида, асосан, гиперболик, параболик ва эллиптик типдаги иккинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, учинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва интегро-дифференциал тенгламалар қаралган. Хозирги вақтда хусусий ҳосилали аралаш типдаги дифференциал тенгламалар учун интеграл шартли масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда фундаментал тадқиқотларни илмий ва амалий қўлланилишини кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди ва муайян ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича, хусусан, дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар ва оптимал бошқарув, амалий математика ва математик моделлаш-тириш, математик таҳлил ва функциялар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, алгебра ва геометрия каби фанларнинг долзарб соҳалари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математик олимларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилаб берилди[1]. Ушбу асосий вазифаларни амалга оширишда иккинчи ва учинчи тартибли хусусий ҳосилали аралаш типдаги параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шартли масалаларни баён қилиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 292-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Параболо-гиперболик тенгламаларни тизимли ўрганиш йигирманчи асрнинг ўрталаридан бошланган. Ўтган даврда параболо-гиперболик тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалаларни баён қилиш ва ўрганиш бўйича А.М.Нахушев, В.А.Врагов, Н.Ю.Капустин, М.С.Салахитдинов, Т.Д.Джураев, Ю.П.Апаков, У.И.Балтаева, А.С.Бердышев, В.А.Елеев, Б.Исломов, Э.Т.Каримов, О.А.Репин, К.Б.Сабитов, М.А.Садыбеков, А.Сопуев, Ж.О.Тахиров, А.К.Уринов, Т.Г.Эргашев ва бошқалар томонидан муҳим илмий натижалар олинди.

Сўнгги пайтларда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун интеграл шартли масалаларни ўрганишда изланувчилар интеграл шартларнинг турли кўринишларидан фойдаланмоқдалар.

Биринчи тур интеграл шартли масалалар дастлаб Дж.Кэннон ва Л.И.Камынин томонидан ўрганилган. Кейинчалик, бундай шартли масалалар иккинчи тартибли гиперболик, параболик ва эллиптик типдаги дифференциал тенгламалар учун Н.И.Ионкин, Я.Т.Мегралиев, З.А.Нахушева, Л.С.Пулькина, Н.И.Юрчук, Н.В.Бейлина, О.А.Васильева, А.В.Дюжева, Н.В.Зайцева, О.М.Кечина, С.В.Кириченко ва бошқалар, учинчи тартибли дифференциал тенгламалар учун А.Бузиани, А.И.Кожанов, О.С.Зикиров ва Д.К.Холиков, Я.Т.Мегралиев, Т.К.Юлдашев, Н.С.Попов ва бошқалар, тўртинчи тартибли дифференциал тенгламалар учун А.В.Дюжева, Я.Т.Мегралиев, Т.К.Юлдашев ва бошқалар, иккинчи тартибли аралаш типдаги дифференциал тенгламалар учун А.К.Уринов, К.Б.Сабитов, Ю.К.Сабитова, М.Х.Акбарова ва бошқалар томонидан ўрганилди.

Иккинчи тур интеграл шартли масалалар дастлаб иккинчи тартибли гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар учун Д.Г.Гордезиани ва Г.А.Авалишвили, параболик типдаги дифференциал тенглама учун Л.А.Муравей ва А.В.Филиновский, аралаш-параболик типдаги дифференциал тенглама учун эса М.Х.Акбароваларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Ҳозирги кунгача иккинчи тартибли гиперболик, параболик ва эллиптик типдаги дифференциал тенгламалар учун Г.А.Атаев, А.К.Гущин ва В.П.Михайлов, Я.Т.Мегралиев, Л.С.Пулькина, А.Л.Скубачевский, А.К.Уринов ва Ш.Т.Нишонова, Н.В.Бейлина, О.М.Кечина, С.В.Кириченко, А.Э.Савенкова ва бошқалар, юқори тартибли тенгламалар учун А.И.Кожанов, О.С.Зикиров ва Д.К.Холиқов, Я.Т.Мегралиев, Т.К.Юлдашев, Н.В.Бейлина, Г.А.Лукина, Н.С.Попов ва бошқалар, иккинчи тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун эса А.К.Уринов ва А.О.Маманазаров, А.К.Уринов ва Ш.Т.Нишонова, Н.В.Бейлина, С.В.Кириченко ва бошқалар томонидан иккинчи тур интеграл шартли кўплаб масалалар баён қилинган ва ўрганилган.

Учинчи тур интеграл шартли масала дастлаб А.В.Голованчиков, И.Э.Симонова ва В.В.Симонов томонидан иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун қўйилган ва текширилган. Ҳозирги кунда учинчи тур интеграл шартли масалаларни баён қилиш ва тадқиқ этишга бағишланган ишлар кўп эмас. Иккинчи тартибли аралаш параболо-гиперболик тенглама учун А.К.Уринов ва А.О.Маманазаров, учинчи тартибли тенгламалар учун О.С.Зикиров ва М.М.Сагдуллаева учинчи тур интеграл шартли масалалар баён қилганлар ва ўрганганлар.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқадики, ҳозирги вақтда иккинчи ва учинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги тенгламалар учун интеграл шартли (айниқса, учинчи тур интеграл шартли) масалалар кам тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф-4-59 «Чизиқли иккинчи тартибли хусусий ҳосилали сингуляр коэффициентли дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалалар» (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккинчи ва учинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар учун интеграл шартли масалалар қўйиш ва ўрганиш, шунингдек, қўйилган масалаларни тадқиқ этиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шарт ва характеристикада локал шарт берилган масалалар қўйиш ва ўрганиш;

иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва Бицадзе-Самарский типидаги шарт қатнашган масалаларни баён қилиш ва тадқиқ этиш;

иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шарт ва силжишли шарт қатнашган масалалар қўйиш ва ўрганиш;

учинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шартли масалаларни баён қилиш ва тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти иккинчи ва учинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иккинчи ва учинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар учун интеграл шартли масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида экстремум принципи, энергия интеграллари ва интеграл тенгламалар усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги модел тенглама ва кичик ҳадлари спектрал параметр ҳамда сингуляр коэффициентга эга бўлган тенгламалар учун интеграл шарт ва характеристикада локал шарт берилган масалаларнинг бир қийматли ечилиши асосланган;

кичик ҳадлари спектрал параметр ва сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва Бицадзе-Самарский типидаги шарт қатнашган масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

кичик ҳади сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва силжишли шарт қатнашган, тип ўзгариши чизиғида эса умумий улаш шарти берилган масаланинг бир қийматли ечилишини таъминловчи шартлар аниқланган;

каср тартибли дифференциал операторлар қатнашган оддий дифференциал тенгламалар учун биринчи тур интеграл шартли масалалар ечимининг ягоналигини исботлаш усули ишлаб чиқилган;

учинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги модел тенглама ва кичик ҳадлари спектрал параметр ҳамда сингуляр коэффициентга эга бўлган тенгламалар учун интеграл шарт ва характеристикада локал шартлар берилган масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари олинган илмий натижаларни шундай математик моделларга келтириладиган жараёнларнинг сифат хусусиятларини ўрганишга ҳамда қўйилган масалалар ечимини сонли ҳисоблашга қўллаш мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик исботлар экстремум принципи, энергия интеграллари ва интеграл тенгламалар усулларига асосланиб амалга оширилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда олинган илмий натижалар хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун интеграл шартли нолокал масалалар назариясини янада ривожлантириш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти плазма физикаси, иссиқлик тарқалиши, намликнинг капилляр-ғовак муҳитлардан ўтиши, демография, математик биология ва бошқа соҳаларга оид жараёнларни математик моделлаштиришда қўлланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ушбу диссертацияда олинган натижалар қуйидаги илмий-тадқиқот лойиҳаларида қўлланилган:

Иккинчи тартибли пароболо-гиперболик тенгламалар учун биринчи тур интеграл шартли масалалар ечимининг ягоналигини исботлаш усули “Тўйинишли ва тебранма жараёнларни тадқиқ қилиш мақсадида каср динамиканинг математик моделларини ривожлантириш” номли хорижий илмий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Витус Беринг номидаги Камчатка давлат университетининг 2022 йил 12 сентябрдаги №31-12 рақамли маълумотномаси). Натижада, каср тартибли дифференциал ва интеграл операторлар ва уларнинг айрим умумлашмаларини ўз ичига олган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар учун бир қанча нолокал масалалар ечими ягоналигини исботлаш имконини берган;

Учинчи тартибли параболик-гиперболик тенгламалар учун интеграл шартли масалаларни ўрганиш учун таклиф қилинган усул “Аралаш турдаги тенгламалар учун характеристика ва бузилиш чизиғида Франкл ва Бицадзе-Самарский шартлари берилган масалалар корректлигини ноклассик сингуляр интеграл тенгламаларга олиб келиб ўрганиш” номли лойиҳада фойдаланилган (Термиз давлат университетининг 2022 йил 9 сентябрдаги №04/12-3008 рақамли маълумотномаси). Натижада, иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун баъзи тескари масалаларни бир қийматли ечилишини текшириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий ва илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, улардан 10 таси илмий мақола, шулардан 2 таси хорижий илмий журналларда, 3 таси эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иккинчи тартибли модел ва кичик ҳади сингуляр коэффициентга эга бўлган параболо-гиперболик типдаги тенгламалар учун масалалар”** деб номланувчи биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, у ушбу

$$0=\begin{cases} u_{xx}-u_y, & (x,y)\in D_1=D\cap(y>0),\\ u_{xx}-u_{yy}-\left(2\beta/y\right)u_y, & (x,y)\in D_2=D\cap(y<0)\end{cases} \quad (1)$$

тенглама учун xOy текисликнинг $y\geq 0$ қисмида $x=0$, $y=1$, $x=1$ тўғри чизиқлар билан, $y\leq 0$ қисмида эса тор тебраниш тенгламасининг $x+y=0$, $x-y=1$ характеристикалари билан чегараланган D соҳада интеграл шартли масалалар қўйишга ва ўрганишга бағишланган, бу ерда $0\leq\beta=const<\left(1/2\right)$.

1.1 параграфда қуйидаги масалалар қўйилган ва тадқиқ қилинган:

1-масала. Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $u(x,y)$ функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\overline{D})\cap C^{2,1}_{x,y}(D_1)\cap C^{2,2}_{x,y}(D_2)$;
2) $u(x,y)$ $-D_1\cup D_2$ да (1) тенгламанинг регуляр ечими;
3) $u(x,y)$ функция ушбу шартларни қаноатлантиради:

$$u(0,y)=\mu_1(y),\quad 0\leq y\leq 1; \quad (2)$$

$$\int\limits_0^1 u(x,y)dx=\int\limits_0^y p\left(y,t\right)u(1,t)dt+\mu_2(y),\quad 0\leq y\leq 1; \quad (3)$$

$$u(x,-x)=\psi(x),\quad 0\leq x\leq(1/2); \quad (4)$$

$$\lim_{y\to+0}u_y(x,y)=\lim_{y\to-0}(-y)^{2\beta}u_y(x,y),\, 0<x<1, \quad (5)$$

бу ерда $\mu_1(y)$, $\mu_2(y)$, $\psi(x)$, $p\left(y,t\right)$ – берилган функциялар бўлиб, ўзларининг аниқланиш соҳасида узлуксиз ва $\mu_1\left(0\right)=\psi\left(0\right)$.

2-масала. Шундай $u\left(x,y\right)$ функция топилсинки, у 1-масала шартларини, (3) шарт қуйидаги шарт билан алмаштирилган ҳолда қаноатлантирсин:

$$u(1,y)=\int\limits_0^1 u(x,y)dx+\mu_2(y),\qquad 0\leq y\leq 1. \quad (6)$$

Қуйидаги теоремалар ўринли эканлиги исботланган:

1-теорема. Фараз қилайлик, $\beta = 0$ ва $\psi(x) \in C^1[0,1/2] \cap C^2(0,1/2)$, $p(y,t), (\partial/\partial y) p(y,t) \in C(0 \le y,t \le 1)$, $\mu_1(y), \mu_2(y) \in C^1[0,1]$, $\psi(0) = \mu_1(0) = 0$ бўлсин. У ҳолда 1-масала ягона ечимга эга.

2-теорема. Фараз қилайлик, $\beta \in (0,1/2)$ ва $\psi(x) \in C^1[0,1/2] \cap C^3(0,1/2)$, $p(y,t), (\partial/\partial y) p(y,t) \in C(0 \le y,t \le 1)$, $\mu_1(y), \mu_2(y) \in C^1[0,1]$, $\psi(0) = \mu_1(0) = 0$ бўлсин. У ҳолда 1-масала ягона ечимга эга.

3-теорема. Фараз қилайлик, $\beta = 0$ ва $\psi(x) \in C^1[0,1/2] \cap C^2(0,1/2)$, $\mu_1(y), \mu_2(y) \in C[0,1]$, $\psi(0) = \mu_1(0)$ бўлсин. У ҳолда 2-масала ягона ечимга эга.

4-теорема. Фараз қилайлик, $\beta \in (0,1/2)$ ва $\psi(x) \in C^1[0,1/2] \cap C^3(0,1/2)$, $\mu_1(y), \mu_2(y) \in C[0,1]$, $\psi(0) = \mu_1(0)$ бўлсин. У ҳолда 2-масала ягона ечимга эга.

1.2-§да D соҳада (1) тенглама учун $\beta \in (0,1/2)$ бўлганда қуйидаги интеграл шартли ва Бицадзе-Самарский шартили масалалар ўрганилган:

3-масала. $D_1 \cup D_2$ соҳада (1) тенгламани ва (2), (3), (5),

$$D_{0x}^{\beta}\left[x^{2\beta-1}u(x/2,-x/2)\right] + a(x)u(x,0) = b(x), \quad 0 \le x \le 1 \tag{7}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y) \in C(\bar{D}) \cap C_{x,y}^{2,1}(D_1) \cap C_{x,y}^{2,2}(D_2)$ функция топилсин, бу ерда $a(x)$, $b(x)$, $\mu_1(y)$, $\mu_2(y)$ – берилган узлуксиз функциялар, $D_{0x}^{\beta}\varphi(x)$ –Риман-Лиувилл маъносидаги каср тартибли дифференциал оператор.

4-масала. Шундай $u(x,y) \in C(\bar{D}) \cap C_{x,y}^{2,1}(D_1) \cap C_{x,y}^{2,2}(D_2)$ функция топилсинки, у 3-масала шартларини, (7) шарт

$$D_{x1}^{\beta}\left[(1-x)^{2\beta-1}u\left((x+1)/2,(x-1)/2\right)\right] + a(x)u(x,0) = b(x), \quad 0 \le x \le 1 \tag{8}$$

шартга алмаштирилган ҳолда қаноатлантирсин, бу ерда $a(x)$, $b(x)$, $\mu_1(y)$, $\mu_2(y)$ – берилган узлуксиз функциялар, $D_{x1}^{\beta}\varphi(x)$ –Риман-Лиувилл маъносидаги каср тартибли дифференциал оператор.

5-масала(6-масала). Шундай $u(x,y) \in C(\bar{D}) \cap C_{x,y}^{2,1}(D_1) \cap C_{x,y}^{2,2}(D_2)$ функция топилсинки, у 3-масала [(4-масала)] шартларини, (3) шарт (6) шартга алмаштирилган ҳолда қаноатлантирсин.

Баён қилинган 3-6-масалаларни тадқиқ этишда қуйидаги белгилашлардан фойдаланилган:

$$a_1(x) = \gamma_3 + \gamma_4 x^{1-\beta}a(x), \quad b_1(x) = x^{1-\beta}b(x), \quad \gamma_4 = \Gamma(1-\beta)\left[2^{2\beta-1}\Gamma(1-2\beta)\right]^{-1},$$

$\gamma_3 = \Gamma(2\beta)\Gamma(1-\beta)\left[2^{2\beta-1}\Gamma(\beta)\Gamma(1-2\beta)\right]^{-1}$, $a_2(x) = \gamma_1\Gamma(\beta) + (1-x)^{1-\beta}a(x)$, $b_2(x) = (1-x)^{1-\beta}b(x)$, $\gamma_1 = \Gamma(2\beta)/\Gamma^2(\beta)$.

1.2 параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремалардир:

5-теорема. Ушбу $a_1(x) \in C^3[0,1]$, $a_1(x) > 0$, $x \in [0,1]$; $a_1'(x) \ge 0, x \in (0,1)$; $b_1(x) \in C^3[0,1]$, $b_1(0) = b_1'(0) = 0$; $p(y,t), (\partial/\partial y) p(y,t) \in C(0 \le y,t \le 1)$; $\mu_1(y)$,

$\mu_2(y)\in C^1[0,1],\mu_1(0)=0$ шартлар бажарилсин. У ҳолда 3-масала ягона ечимга эга.

6-теорема. Ушбу $a_1(x)\in C^3[0,1], a_1(x)>0, x\in[0,1];$ $a_1'(x)\geq 0,$ $x\in(0,1);$ $b_1(x)\in C^3[0,1],$ $b_1(0)=b_1'(0)=0;$ $\mu_1(y), \mu_2(y)\in C[0,1],$ $\mu_1(0)=0$ шартлар бажарилсин. У ҳолда 5-масала ягона ечимга эга.

7-теорема. Ушбу $a_2(x)\in C^3[0,1], a_2(x)>0, x\in[0,1], a_2'(x)\leq 0,$ $x\in(0,1);$ $b_2(x)\in C^3[0,1],$ $b_2(1)=b_2'(1)=0;$ $p(y,t),(\partial/\partial y)p(y,t)\in C(0\leq y,t\leq 1);$ $\mu_1(y),$ $\mu_2(y)\in C^1[0,1],$ $\mu_1(0)=0$ шартлар бажарилсин. У ҳолда 4-масала ягона ечимга эга.

1.3 параграфда (1) тенглама учун $\beta\in(0,1/2)$ бўлганда қуйидаги масала ўрганилган.

7-масала. $D_1\cup D_2$ соҳада (1) тенгламани ва (2), (3),

$$a(x)D_{0x}^{1-\beta}u(x/2,-x/2)+b(x)D_{x1}^{1-\beta}u\left[(x+1)/2,(x-1)/2\right]+$$
$$+c(x)\lim_{y\to-0}(-y)^{2\beta}u_y(x,y)=e(x),\quad 0<x<1; \tag{9}$$

$$\lim_{y\to+0}u_y(x,y)=g(x)\lim_{y\to-0}(-y)^{2\beta}u_y(x,y)+\sum_{k=1}^{n}a_k(x)D_{0x}^{\alpha_k}p_k(x)u(x,0)+$$
$$+\sum_{j=1}^{m}b_j(x)D_{x1}^{\beta_j}q_j(x)u(x,0)+h(x),\ 0<x<1 \tag{10}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)\in C(\overline{D})\cap C_{x,y}^{2,1}(D_1)\cap C_{x,y}^{2,2}(D_2)$ функция топилсин, бу ерда $\mu_1(y)$, $\mu_2(y)$, $a(x)$, $b(x)$, $c(x)$, $e(x)$, $g(x)$, $h(x)$, $a_k(x)$, $p_k(x)$, $b_j(x)$, $q_j(x)$ $\left(k=\overline{1,n},\ j=\overline{1,m}\right)$ – берилган узлуксиз функциялар, α_k $\left(k=\overline{1,n}\right)$ ва β_j $\left(j=\overline{1,m}\right)$ – $(0,1)$ оралиқда берилган ҳақиқий сонлар, $D_{ax}^{\alpha}\varphi(x)$ ва $D_{xb}^{\alpha}\varphi(x)$ эса – Риман-Лиувилл маъносидаги каср тартибли дифференциал операторлар.

Қуйидаги теореманинг ўринли эканлиги исботланган.

8-теорема. Фараз қилайлик, қуйидаги шартлар бажарилсин: $(1-x)^{\beta}a(x),$ $x^{\beta}b(x),$ $\left[x(1-x)\right]^{\beta}c(x),$ $g(x),$ $a_k(x),$ $b_j(x),$ $h(x),$ $\left[x(1-x)\right]^{\beta}e(x)\in C^{(0,\delta)}[0,1],\delta>1-2\beta, k=\overline{1,n}, j=\overline{1,m}; p_k(x),q_j(x)\in C^{(2,\delta)}[0,1],$ $a^2(x)+b^2(x)\neq 0, A(x)\neq 0, g(x)\neq 0, \left[a(x)g(x)\right]\left[A(x)\right]^{-1}\geq 0, \left[b(x)g(x)\right]\left[A(x)\right]^{-1}\geq 0,$ $a_k(x)\geq 0,$ $p_k(x)>0;$ $b_j(x)\geq 0,$ $q_j(x)>0,$ $x\in[0,1]$ шартлар бажарилган бўлиб, $p_k(x)$ ва $q_j(x)$ – мос равишда $\alpha_k\left(k=\overline{1,n}\right)$ ва $\beta_j\left(j=\overline{1,m}\right)$ лардан катта кўрсаткичли Гёльдер шартини қаноатлантирувчи ўсмайдиган ва камаймайдиган функциялар; $p(y,t),(\partial/\partial y)p(y,t)\in C(0\leq y,t\leq 1),$

$\mu_1(y), \mu_2(y) \in C^1[0,1]$, $\mu_1(0)=0$, бу ерда $A(x)=(1-x)^{\beta} a(x)+x^{\beta} b(x)-$ $-\left[2^{1-2\beta}\Gamma(1-\beta)/\Gamma(1-2\beta)\right]\left[x(1-x)\right]^{\beta} c(x)$.

У ҳолда 7-масаланинг ечими мавжуд ва ягона.

Диссертациянинг **“Кичик ҳадлари спектрал параметр ва сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун масалалар”** деб номланган иккинчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, биринчи боб бошида тавсифланган D соҳада ушбу

$$0=\begin{cases} u_{xx}-u_y-\lambda_1^2 u, & (x,y)\in D_1, \\ u_{xx}-u_{yy}-(2\beta/y)u_y+\lambda_2^2 u, & (x,y)\in D_2 \end{cases} \quad (13)$$

параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шартли чегаравий масалаларни баён қилиш ва ўрганишга бағишланган, бу ерда $\beta, \lambda_1 \in R$, λ_2 эса ҳақиқий ёки соф мавҳум сон бўлиб, $0 \le \beta < (1/2)$.

2.1 параграфда (13) тенглама учун 1- ва 2-масалаларга мос масалалар қаралган.

8-масала. $D_1 \cup D_2$ соҳада (13) тенгламани ва (2), (3), (4), (5) шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)\in C(\overline{D})\cap C_{x,y}^{2,1}(D_1)\cap C_{x,y}^{2,2}(D_2)$ функция топилсин, бу ерда $\psi(x), \mu_1(y), \mu_2(y), p(y,t)$ – берилган узлуксиз функциялар бўлиб, $\psi(0)=\mu_1(0)$, $\lambda_1, \lambda_2 \in R$ – берилган сонлар.

9-масала. Шундай $u(x,y)$ функция топилсинки, у 8-масала шартларини, (3) шарт (6) шартга алмаштирилган ҳолда қаноатлантирсин, бу ерда $\lambda_1 \in R$, λ_2 эса ҳақиқий ёки соф мавҳум сон.

Қуйидаги теоремаларнинг тўғри эканлиги исботланган:

9-теорема. Фараз қилайлик, $\beta=0$ ва $|\lambda_2|\le\sqrt{2}|\lambda_1|$, $\psi(x)\in C^1[0,1/2]\cap$ $\cap C^2(0,1/2)$, $p(y,\eta), p'_y(y,\eta)\in C(0\le\eta\le y\le1)$, $\mu_1(y), \mu_2(y)\in C^1[0,1]$, $\psi(0)=\mu_1(0)=0$ бўлсин. У ҳолда 8-масала ягона ечимга эга.

10-теорема. Фараз қилайлик, $\beta=0$ ва $|\lambda_1|\ge|\lambda_2|>0$, $\psi(x)\in C^1[0,1/2]\cap$ $\cap C^2(0,1/2)$, $\mu_1(y), \mu_2(y)\in C[0,1]$, $\psi(0)=\mu_1(0)$ бўлсин. У ҳолда 9-масала ягона ечимга эга.

11-теорема. Фараз қилайлик, $0<\beta<1/2$ ва $|\lambda_1|\ge|\lambda_2|>0$, $\psi(x)\in C^1[0,1/2]\cap C^3(0,1/2)$, $\mu_1(y), \mu_2(y)\in C[0,1]$, $\psi(0)=\mu_1(0)$ бўлсин. У ҳолда 8-масала ягона ечимга эга.

12-теорема. Фараз қилайлик, $0<\beta<1/2$ ва $|\lambda_1|\ge|\lambda_2|>0$, $\lambda_1+1-sh\lambda_1 ch\lambda_1\ne0$, $\psi(x)\in C^1[0,1/2]\cap C^3(0,1/2)$, $\mu_1(y), \mu_2(y)\in C[0,1]$, $\psi(0)=\mu_1(0)$ бўлсин. У ҳолда 9-масала ягона ечимга эга.

§2.2 да $0 < \beta < 1/2$ бўлганда қуйидаги масалалар тадқиқ қилинган:

10-масала. $D_1 \cup D_2$ соҳада (13) тенгламани ва (2),(3),(5),

$$A_{0x}^{1,\lambda_2}\left[D_{0x}^{\beta} x^{2\beta-1} u\left(x/2,-x/2\right)\right] = a\left(x\right)u\left(x,0\right) + b\left(x\right), \quad 0 \le x \le (1/2) \qquad (14)$$

шартларни қаноатлантирувчи $u\left(x,y\right) \in C\left(\overline{D}\right) \cap C_{x,y}^{2,1}\left(D_1\right) \cap C_{x,y}^{2,2}\left(D_2\right)$ функция топилсин, бу ерда $\mu_1\left(y\right),\ \mu_2\left(y\right), a\left(x\right), b\left(x\right), p(y,\eta)$ – берилган узлуксиз функциялар, $D_{ax}^{\alpha}\varphi\left(x\right)$ эса Риман-Лиувилл маъносидаги каср тартибли дифференциал оператор,

$$A_{0x}^{1,\lambda_2}\left[f(x)\right] \equiv f(x) - \int_0^x f(t)\frac{t}{x}\frac{\partial}{\partial t}J_0\left[\lambda_2\sqrt{x(x-t)}\right]dt,$$

$J_0\left(z\right)$ – нолинчи тартибли биринчи тур Бессел функцияси.

11-масала. Шундай $u\left(x,y\right)$ функция топилсинки, у 10-масала шартларини, (14) шарт

$$A_{0x}^{1,\lambda_2}\left[D_{0x}^{1-\beta} u\left(x/2,-x/2\right)\right] = a\left(x\right)u_y\left(x,0\right) + b\left(x\right), \quad 0 < x < (1/2) \qquad (15)$$

шартга алмаштирилган ҳолда қаноатлантирсин.

2.2 параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремалардир:

13-теорема. Фараз қилайлик, $|\lambda_1| \ge |\lambda_2| > 0$ ва $x^{1-\beta}a\left(x\right)$ – ўсмайдиган функция, $x^{1-\beta}a\left(x\right) < \gamma_1\Gamma\left(\beta\right)$, $x^{1-\beta}a(x), b(x) \in C^{(0,\varepsilon)}[0,1]$, $\varepsilon > 1-2\beta$; $p(y,\eta)$, $p'_y(y,\eta) \in C(0 \le \eta \le y \le 1)$, $\mu_1(y), \mu_2(y) \in C^1[0,1]$, $\mu_1(0) = 0$ бўлсин. У ҳолда 10-масала ягона ечимга эга.

14-теорема. Фараз қилайлик, ушбу шартлар бажарилсин: $|\lambda_1| \ge |\lambda_2| > 0$, $a(x), b(x) \in C^2[0,1]$, $\Gamma(1-2\beta)2^{2\beta-1} + \Gamma(1-\beta)x^{\beta}a(x) > 0$, $p(y,\eta), p'_y(y,\eta) \in$ $\in C(0 \le \eta \le y \le 1)$, $\mu_1(y), \mu_2(y) \in C^1[0,1]$. У ҳолда 11-масала ягона ечимга эга.

Диссертациянинг **“Учинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун масалалар”** деб номланган учинчи боби, уч парарафдан иборат бўлиб, I бобнинг бошида келтирилган D соҳада учинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги ушбу

$$0 = \begin{cases} \left(\partial/\partial x\right)\left(u_{xx} - u_y - \lambda_1^2 u\right), & \left(x,y\right) \in D_1, \\ \left(\partial/\partial x\right)\left(u_{xx} - u_{yy} - \left(2\beta/y\right)u_y + \lambda_1^2 u\right), & \left(x,y\right) \in D_2 \end{cases} \qquad (16)$$

тенглама ва унинг хусусий ҳоллари учун интеграл шартли масалалар қўйиш ва тадқиқ қилишга бағишланган, бу ерда β, λ_1 ва λ_2 – берилган ҳақиқий сонлар бўлиб, $0 \le \beta < \left(1/2\right)$.

3.1 параграфда (16) тенгламанинг $\lambda_1 = \lambda_2 = \beta = 0$ бўлган ҳоли учун, яъни

$$0 = \begin{cases} \left(\partial/\partial x\right)\left(u_{xx} - u_y\right), & \left(x,y\right) \in D_1, \\ \left(\partial/\partial x\right)\left(u_{xx} - u_{yy}\right), & \left(x,y\right) \in D_2 \end{cases} \qquad (17)$$

тенглама учун интеграл шартли уч масала қўйилган ва ўрганилган.

12-масала. Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $u(x,y)$ функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\overline{D}),\ u_x\in C(D\cup D_3\cup D_4\cup D_5)$, $u_y\in C(D\cup D_3)$;

2) $u(x,y)$ функция $D_1\cup D_2$ соҳада (17) тенгламанинг регуляр ечими;

3) $u(x,y)$ функция қуйидаги шартларни қаноатлантиради:

$$u(0,y)=\varphi_1(y),\quad 0\le y\le 1; \tag{18}$$

$$u_x(0,y)=\varphi_2(y),\quad 0\le y\le 1; \tag{19}$$

$$u_x(1,y)-\int_0^1 u_x(x,y)dx=\varphi_3(y),\quad 0\le y\le 1 \tag{20}$$

$$u(x,y)\Big|_{D_3}=\psi_1(x),\ \ \frac{\partial u}{\partial n}\Big|_{D_3}=\psi_2(x),\quad 0\le x\le (1/2); \tag{21}$$

$$\lim_{y\to+0}u_y(x,y)=\lim_{y\to-0}u_y(x,y),\ 0<x<1 \tag{22}$$

бу ерда $D_3=\{(x,y): y=-x,\ 0\le x\le 1/2\}$, $D_4=\{(x,y): x=0, 0\le y\le 1\}$, $D_5=\{(x,y): x=1, 0\le y\le 1\}$. n – D_3 кесмага ўтказилган ички нормали, $\varphi_j(y)$, $(j=\overline{1,3})$, $\psi_1(x)$, $\psi_2(x)$ – берилган функциялар бўлиб, $\varphi_1(y)\in C[0,1]\cap C^1(0,1)$, $\varphi_2(y),\varphi_3(y)\in C[0,1]$, $\psi_1(x)\in C^1[0,1/2]\cap C^2(0,1/2)$, $\psi_2(x)\in C[0,1/2]\cap$ $\cap C^1(0,1/2)$, $\psi_1(0)=\varphi_1(0)$ ва $\psi_1''(x)$, $\psi_2'(x)$ функциялар $x\to 0$ ва $x\to 1/2$ да 1 дан кичик махсусликка эга бўлиши мумкин.

13-масала. Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $u(x,y)$ функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\overline{D}),\ u_x\in C(D\cup D_3\cup D_4)$, $u_y\in C(D\cup D_3)$;

2) $u(x,y)$ функция $D_1\cup D_2$ соҳада (17) тенгламанинг регуляр ечими;

3) $u(x,y)$ функция (18), (19), (21), (22) ва

$$u(1,y)=2\int_0^1 u(x,y)dx+\varphi_3(y),\quad 0\le y\le 1$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $\varphi_2(y)\in C[0,1]$, $\varphi_1(y),\varphi_3(y)\in C[0,1]\cap$ $\cap C^1(0,1)$, $\psi_1(x)$, $\psi_2(x)$ эса 12-масалада таъкидланган хоссаларга эга.

Бу бўлимда масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги (17) тенглама ихтиёрий ечимининг кўринишидан фойдаланиб исботланган.

Изоҳ. 12-масалада (20) шартни интегралсиз ёзиш мумкин. Бироқ шартнинг (20) шакли 12-масалани эквивалент ҳолда параболик тенглама учун интеграл шартли масалага келтиришга ёрдам беради.

3.2 параграфда D соҳада (16) тенглама $\beta=0$ бўлганда қаралган, яъни

$$0=\begin{cases}(\partial/\partial x)\left(u_{xx}-u_y-\lambda_1^2u\right)=0, & (x,y)\in D_1,\\ (\partial/\partial x)\left(u_{xx}-u_{yy}+\lambda_2^2u\right)=0, & (x,y)\in D_2\end{cases} \tag{23}$$

тенглама қаралган ва қуйидаги масала тадқиқ қилинган.

14-масала. (23) тенгламанинг $D_1 \cup D_2$ соҳада регуляр ва (18), (21), (22)

$$u(1,y) = \varphi_2(y), \quad 0 \le y \le 1; \tag{24}$$

$$\int_0^1 u(x,y)dx = \varphi_3(y), \quad 0 \le y \le 1; \tag{25}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y) \in C(\overline{D}) \cap C_{x,y}^{1,1}(D \cup D_3)$ ечими топилсин, бу ерда $\varphi_j(y)$, $\psi_1(x)$, $\psi_2(x)$ – берилган функциялар бўлиб, $\varphi_j(y) \in C[0,1] \cap$ $\cap C^1(0,1)$ $(j = \overline{1,3})$, $\psi_1(x) \in C^1[0,1/2] \cap C^2(0,1/2)$, $\psi_2(x) \in C[0,1/2] \cap C^1(0,1/2)$, $\psi_1(0) = \varphi_1(0)$ ва $\psi_1''(x)$, $\psi_2'(x)$ функциялар $x \to 0$ ва $x \to 1/2$ да 1 дан кичик махсусликка эга бўлиши мумкин.

Энергия интеграллари ва интеграл тенгламалар усулидан фойдаланиб, қўйилган масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган. Бу ҳолда қўйилган масала ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун қўйилган масалага келтирилган. Охирги масалани ўрганишда бир жинсли бўлмаган телеграф тенгламаси учун Коши масаласининг ечимидан ва спектрал параметрли бир жинсли бўлмаган Фурье тенгламаси учун биринчи чегаравий масала ечимидан фойдаланилган.

3.3 параграфда (16) тенглама λ_1 ва λ_2 лар ихтиёрий ҳақиқий сонлар, $0 < \beta < (1/2)$ бўлган ҳолда қаралган ва қуйидаги масала ўрганилган:

15-масала. (16) тенгламанинг $D_1 \cup D_2$ соҳада регуляр ва (5), (18), (21) (24), (25) шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y) \in C(\overline{D}) \cap C_{x,y}^{1,1}(D \cup D_3)$ ечими топилсин, бу ерда $\varphi_j(y)$, $\psi_1(x)$, $\psi_2(x)$ – берилган функциялар бўлиб, $\varphi_j(y) \in C[0,1] \cap C^1(0,1)$ $(j = \overline{1,3})$, $\psi_1(x), \psi_2(x) \in C^1[0,1/2] \cap C^2(0,1/2)$, $\psi_2(x) \in$ $\in C[0,1/2] \cap C^1(0,1/2)$, $\psi_1(0) = \varphi_1(0)$ ва $\psi_1''(x)$, $\psi_2'(x)$ функциялар $x \to 0$ ва $x \to 1/2$ бўлганда 1 дан кичик махсусликка эга бўлиши мумкин.

Қаралаётган тенглама ихтиёрий ечимининг кўринишидан ҳамда энергия интеграллари ва интеграл тенгламалар усулидан фойдаланиб қўйилган масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган.

ХУЛОСА

Диссертация тип ўзгариш чизиғи характеристик бўлган иккинчи ва учинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун тўғри тўртбурчак ва характеристик учбурчакдан иборат соҳада интеграл шартли масалаларни қўйиш ва тадқиқ қилишга бағишланган. Биринчи бобда параболо-гиперболик типдаги иккинчи тартибли модел тенглама ва кичик ҳади сингуляр коэффициентга эга бўлган тенглама, иккинчи бобда кичик ҳадлари спектрал параметр ва сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама, охирги учинчи бобда эса параболо-гиперболик типдаги учинчи тартибли тенгламалар қаралган.

Тадқиқот натижалари қуйидагича:

иккинчи тартибли модел ва кичик ҳади сингуляр коэффициентга эга бўлган параболо-гиперболик типдаги тенгламалар учун интеграл шарт ва характеристикада локал шарт берилган масалаларнинг бир қийматли ечилиши асосланган;

кичик ҳади сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва Бицадзе-Самарский типидаги шарт қатнашган масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

кичик ҳади сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва силжишли шарт қатнашган, тип ўзгариши чизиғида эса умумий улаш шарти берилган масаланинг бир қийматли ечилишини таъминловчи шартлар аниқланган;

кичик ҳадлари спектрал параметр ва сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва характеристикада локал шарт берилган масалаларнинг ягона ечими мавжуд бўлишини таъминловчи шартлар топилган;

кичик ҳадлари спектрал параметр ва сингуляр коэффициентга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва Бицадзе-Самарский типидаги шарт қатнашган масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган;

каср тартибли дифференциал операторлар қатнашган оддий дифференциал тенгламалар учун биринчи тур интеграл шартли масалалар ечимининг ягоналигини исботлаш усули ишлаб чиқилган;

кичик ҳадлари спектрал параметрга эга бўлган учинчи тартибли параболо-гиперболик типдаги тенглама учун интеграл шарт ва характеристикада локал шарт берилган масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган;

кичик ҳадлари спектрал параметр ва сингуляр коэффициентга эга бўлган учинчи тартибли параболо-гиперболик тенглама учун интеграл шарт ва характеристикада локал шарт берилган масалани ечиш усули ишлаб чиқилган.

Баъзи етарли шартларда қўйилган масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган. Масалалар ечимининг ягоналигини исботлашда экстремум принципи ва энергия интеграллари усулидан, ечимнинг мавжудлигини исботлашда эса Вольтерра ва Фредгольмнинг биринчи ва иккинчи турдаги интеграл тенгламалари назарияси усулларидан фойдаланилган. Диссертация ишида ўрганилган барча масалалар янги ва ундан хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясини янада ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.FM.05.04

ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЛИЛОВ КОБИЛЖОН СОЛИЖОНОВИЧ

ЗАДАЧИ С ИНТЕГРАЛЬНЫМ УСЛОВИЕМ ДЛЯ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Фергана – 2022

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико – математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B 2021.2.PhD/FM602.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб – странице Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Уринов Ахмаджон Кушакович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Хасанов Анварджан** доктор физико-математических наук, профессор
	Юлдашев Турсун Камалдинович доктор физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «1» 12 2022 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно–ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за №206). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19). Тел.: (+99873) 244-44-94.

Автореферат диссертации разослан «19» 11 2022 года.
(протокол рассылки №__ от «19» 11 2022 года).

Б.Т. Саматов
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., доцент

И.У. Хайдаров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф-м.н

Ш.Т.Каримов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Исследования, проводимые по математическому моделированию процессов природы в мировом масштабе, ставят большие задачи перед математиками, в том числе, перед исследователями теории дифференциальных уравнений в частных производных. В этой связи в настоящее время эта теория развивается быстрыми темпами не только с теоретической, но и с практической точки зрения. При этом, смешанные дифференциальные уравнения параболо-гиперболического типа применяются в качестве математической модели таких задач как тепломассоперенос в пористой среде, распространение электромагнитного поля в неоднородной среде, формирование теплового поля, движение вязко - упругих и вязких жидкостей и др. Поэтому постановка краевых задач для параболо-гиперболических уравнений и их решение являются одним из приоритетных направлений теории дифференциальных уравнений в частных производных.

В настоящее время исследователи всего мира активно занимаются постановкой и исследованием новых задач, например, задач с нелокальными условиями для дифференциальных уравнений. При этом важное значение имеет постановка и исследование задач с интегральным условием. К настоящему времени по постановке и методам исследования задач с интегральным условием, а также по их практической значимости публиковался ряд научных статей. В большинстве из них рассмотрены дифференциальные уравнения в частных производных второго порядка гиперболического, параболического и эллиптического типов, дифференциальные уравнения в частных производных третьего порядка и интегро-дифференциальные уравнения. В настоящее время особое внимание уделяется изучению задач с интегральным условием для уравнений смешанного типа.

В последние годы в нашей республике были предприняты масштабные меры по расширению научного и практического применения фундаментальных исследований и получены значительные результаты. В том числе, проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям математических наук, особенно по дифференциальным уравнениям и математической физике, динамических систем и оптимального управления, по прикладной математике и математическому моделированию, математическому анализу и теории функций, теории вероятностей и математической статистике, алгебре и геометрии определено как основные задачи и направления деятельности математиков[2]. При реализации этих задач важное значение имеет постановка и исследование задач с нелокальными интегральными условиями для

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года № 292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

смешанных уравнений в частных производных параболо-гиперболического типа.

Проблема исследования настоящей диссертации находится в русле задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии Наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии Наук Республики Узбекистан», ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы.

Систематические исследования параболо-гиперболических уравнений начаты с середины двадцатого века. За прошедшие годы по постановке и исследованию локальных и нелокальных краевых задач для параболо-гиперболических уравнений существенные научные результаты получены А.М.Нахушевым, В.А.Враговым, Н.Ю.Капустиным, М.С.Салахитдиновым, Т.Д.Джураевым, а также Ю.П.Апаковым, У.И.Балтаевой, А.С.Бердышевым, В.А.Елеевым, Б.Исламовым, Э.Т.Каримовым, О.А.Репиным, К.Б.Сабитовым, М.А.Садыбековым, А.Сопуевым, Ж.О.Тахировым, А.К.Уриновым, Т.Г.Эргашевым и др.

В последние годы при исследовании задач с интегральным условием для уравнений в частных производных исследователями взяты интегральные условия в различных видах.

